

---

## БОЛАЖОНЛАР УЧУН БАЙРАМГА ҚЎШАЛОҚ ТУҲФА

Ёшариш ва янгиланиш фасли баҳор айёми ва Наврўз байрами арафасида Марғилон шаҳрида эртамик эгалари бўлган шириндан-шакар болажонлар учун қўшалок мактабгача таълим ташкилотлари ўз иш фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4565-сонли қарорига мувофиқ Инвестиция дастурига киритилган Марғилон шаҳридаги 30-сонли мактабгача таълим ташкилотида реконструкция ишлари амалга оширилиб, фойлаланишга топширилди. Шунингдек, хусусий тадбиркор Тўхтасинова Муқаддасхон ташаббуси билан Давлат-хусусий шерикчилик шаклидаги 150 ўринли "Мираланд" номли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам болажонларни ўз бағрига олди.

Бугун ушбу мактабгача таълим ташкилотларининг тантанали очилиш марсосимларида вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ю.М.Ходжаева, сектор раҳбарлари, Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлим мудири Х.Қурбонова ҳамда бир гуруҳ нуронийлар иштирок этдилар.

30-сонли мактабгача таълим ташкилоти 10 та гуруҳдан иборат. Қувонарлиси, Наврўз айёми арафасида болажонлар учун муносиб туҳфа бўлган ушбу ташкилот 90 ўриндан 250 ўринга кенгайтирилди. Тадбир давомида ташкилотдаги мавжуд 10 та гуруҳларда болажонлар учун яратилган шароитлар меҳмонларни хушнуд қилди.

Яна бир эътироф этишга муносиб жиҳати болажонлар ушбу таълим масканларида ўз она тилларидан ташқари рус ва инглиз тиллари ҳам чуқурлаштирилган тартибда ўрганишлари мумкин. Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-03-19 17:22:50